# ДАРСЛИКЛАР: МУАММО, ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ

(Боши 1-бетда).

Иккинчидан, нашриётларнинг мавзуий режалари битилган китобчалар савдода кўп бўла туриб, уни ҳеч ким олиб ўқимайди. Аслида бу режа битилган китоб буюртмачилар учун чиқарилади. Халқ таълими бўлими мутасаддилари, методист ҳеч бўлмаса шу масалаларни тарғибот қилиши керак. Ана шунда бадиий адабиёт омборларда чанг босиб ётмай эгасига етиб боради. Ана шунда мактаб кутубхоналари ҳувиллаб қолмайди, одамлар юқори ташкилотни эмас, китоб масаласидаги танқислик учун ўз раҳбарларини танқид қиладиган бўладилар.

**— Ҳозир республикамизда олти ёшлиларни ўқитиш учун умумий шароит мукаммал ҳолда тайёр эмас. Шу сабабли олти ёшлилар синфи кескин камайтирилди. Бунинг натижасида етти ёшлилар синфи кўпайиб кетди. Китоблар эса олдиндан берилган буюртмалар асосида чоп этилади. Энди у олти ёшлиларга кўпайиб кетган бўлса, етти ёшлиларга камайиб кетади. Хўш, бу муаммо қандай ҳал қилиняпти?**

— 1992-93 ўқув йили учун 6-7 ёшлиларга ягона дастур асосида сабоқ бериш масаласи кўриб чиқилди. Бизнингча, шу билан янги йилда ва ҳозир ҳам китоб масаласида номутаносиблик бўлмас...

Ҳозир ўқув-методика маркази томонидан тўрт йиллик бошланғич таълим дастуридан уч йиллик бошланғич синфларда фойдаланиб туриш ҳақида махсус хат тайёрланди ва жойларга юборилди. Шу билан мазкур муаммо вақтинча маълум даражада ҳал этилди, деса бўлади.

**— Энди ҳозирги энг долзарб, кўпчиликни қизиқтирган муаммони ўртага ташламоқчиман. У ҳам бўлса... дарсликларни сотувга чиқариш мумкинми? Ахир, бу билан ўқитувчи-ўқувчиларга ҳам, ота-оналарга ҳам анчагина қулайлик туғдирган бўлардик?**

— Қани энди бунинг имкони бўлса, ҳар томонлама қулай бўларди-да. Афсуски, бахтга қарши қоғоз йўқ, полиграфик имкониятлар чекланган. Аммо, шуни алоҳида айтишни истайман... дарсликларни сотувга чиқаришга биз ҳам иккала қўлимизни кўтариб тарафдор бўламиз. Ҳарҳолда, битта муаммо ҳал этиларди.

Ҳозир, дейлик, нашриёт бир йилда 80 номда 21 миллион нусха китоб чиқараётган бўлса, агар сотувга қўйиладиган бўлса, бу рақам икки-уч баравар кўпайиши керак. Эсингизда бўлса, биз битта китобни тўрт йил тутамиз, дегандик. Бунинг сабаби ҳам айнан шу ердан чиқади. Яъни, қоғоз етишмайди. Ҳукумат болаларга бепул китоб беришдан моддий зарар кўради. Аммо ўқувчиларни дарслик билан таъминлаш мақсадида, зарар эвазига бўлса ҳам сотувга чиқармасликка мажбур. Ҳозир эса қоғоз қиммат ва етишмаслиги сабабли шундоқ ҳам кам китоб олаяпмиз. Айтайлик, режа бўйича 4 минг китоб юборилиши зарур бўлса, ана шу чекланганлик эвазига биз 1600 та китобдан фойдаланяпмиз. Аҳволнинг қанчалик қийин эканлигини тасаввур этаётган бўлсангиз керак. Ҳозир китоб тўрт марта узлуксиз фойдаланиляпти, агар у сотувга чиқарилса, бир марта фойдаланилади. У сотувга чиқарилган тақдирда ҳам ота-оналар фойда кўрмайди. Чунки дарсликларнинг таннархини амалдагига нисбатан хийла арзонлаштиришга тўғри келаверади.

Ҳозир бошланғич синфларда тўрт йиллик ягона таълим асосида ўқитишга ўтиш натижасида уч йиллик бошланғич синфлар учун нашр қилиб келинган 21 номдаги 3 миллион нусха китоб заҳирада бўлиб қолаяпти. Агар бу заҳирадаги қоғоз ва полиграфия имкониятлари тўрт йиллик бошланғич таълим ўқувчилари дарслигига сарфланса, унда шу бошланғичлар учун 160 фоиз ўрнига ҳар йили тўлиқ ўқувчилар контингентига мўлжаллаб китоб нашр қилиш имкони туғилади. Бу билан кўп йиллардан буён тўпланиб қолган муаммони ҳал этиш мумкин. Бу — «Ўқитувчи» нашриёти мутасаддиларига ҳавола.

**— Қоғоз нархи ошгандан кейин китобнинг ҳам нархи ошади. Бу, ўз навбатида, дарсликлар нархига ҳам таъсир қилса керак? Хўш, дарсликлар нархи вақти келиб фалон пул бўлганда ҳам бепул чиқарилаверадими ёки бозор иқтисодига ўтиш шароити билан бу борада ўзгаришлар бўладими?**

— Фикрингизга тушундим. Китобни аслида пулли қилиш керак экан, ана шунда у қадрланган бўларди. Ҳозир у айнан бепуллиги учун қадрсиздир.

Китобга тўланадиган ҳақ ҳар қандай шароитда ҳам давлат бюджетидан олинади. Демак, бозор иқтисодига ўтилиши муносабати билан дарсликнинг нархи ошиши ўқувчи шахсига оғирлик туширмайди.

Эътибор беринг, авваллари дарсликлар қандайдир тийинларга сотиларди. Ҳозир уларнинг нархи уч мартага кўпайди. Аввал қоғознинг бир тонна нархи минг сўмга ҳам бормасди. Янги йилдан у тахминан беш-ўн мартага ошаяпти. Шу қаторда, полиграфик материаллар, китобга сарфланадиган ишчи кучи нархи ҳам ошаяпти. Энди, шундай экан, китоб нархи ҳам кўп мартага кўпаяди. Хўш, ўқувчи бу дарсликни 8-10 сўмга сотиб оладими? Сезиб турибсизки, бу ерда сотиш масаласи ўз-ўзидан тушиб қолади.

Биз бу йил навбатдаги ўқув йили учун дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларга атаб 14 миллион сўм белгилаган эдик. Нарх ошиши билан бу рақам аввал 51 миллионга, кейин 255 миллионга чиқди. Бу ҳақда тегишли органларга ҳисоб-китоб тавсия этилди. Бу пулларнинг ҳаммаси давлат бюджетидан олинади.

**— Давр ўзгаряпти. Воқеа-ҳодисалар шиддати китоб ёзаётган муаллифларни жуда иккилантириб қўйяпти. Яқинда бир танишим ўзи ёзган дарсликдан бир йил ўтганидан кейин воз кечганини, энди уни мутлақо бошқа тартибда ёзаётганини айтди. Бу гап кўпроқ даврга тааллуқли бўлса керак? Яъни дарсликларни янгилашда келажак воқеалари инобатга олиняптими? Ахир улар орадан ҳеч вақт ўтмай эскирмаслиги керак-ку. Шундай эмасми?**

— Ҳа, давр шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришлар бизнинг олдимизга ақлга сиғмас даражада муаммоларни кўндаланг қиляпти. Қийинчиликлар ҳар қадамда бор. Дарсликларимиз тез ва ёвлик эскириб қоляпти. Сабаб: битта дарсликни тузиб чиқиш, уни нашриёт чиғириқлари, босмахона цехларидан ўтказиш учун йиллар керак. Бир қатор китоблар тайёр ҳолда, аммо давр ўзгариши билан улар босмахона остонасида тўхтатиб турилибди. Масалан, 3-синф ўқиш китобининг талабга жавоб берадигани ҳозир амалда йўқ. Бу 1991 йили нашр қилинмаяпти. Бундан кейин ҳам хавф остида қолади. Сабаби, у чиқмасдан туриб эскириб боряпти. Муаллифлар бу китобни қайта ишлашга ўтиришди. Жамиятшунослик, тарих, жуғрофия каби фанлар масаласи ҳам оғир. Бу китоблар зудлик билан, масалага атрофлича, холис ёндошилиб қайта ишланиши керак.

Бу йил «Ўқитувчи» нашриёти 21 та китобни қайтариб, муаллифларга қайта ишлаш учун берди. Бу иш ҳали яна давом этади. Ана шундай кўрсаткичлар мактабларда дарслик етишмовчилигига олиб келиши шубҳасиз.

Ҳозирги дарсликнинг ўзгариши давр билан боғлиқ. Энди улар сиёсатдан, партиявийликдан озод этиляпти. Эътибор берган бўлсангиз, биз «бу яхши», «бу ёмон» иборасини жуда кўп ишлатардик. Бу — нотўғридир. Ахир, биз ёмон деган одамлар, воқеалар, сиёсатлар ҳозир яхши бўлиб чиқаяпти-ку. Ёки яхши деганимиз ёмон бўлиб чиқаяпти. Демак, дарслик ёзишда сиёсатга аралашмаслик, Толстойона йўл тутиб, ҳар кимга баҳо беравермаслик керак экан. Биз бирор киши ёки воқеани шундай ёритишимиз керакки, унга одамлар, дарс жараёнида ўқувчи-ўқитувчи холис баҳо берсин. Демак, дарсликда сиёсат, давлат иши, қаҳрамонлар меъёрида тилга олинсин, аммо ҳар қачон ҳам холислик, объективлик, қаёққадир ён босиб кетмаслик асос бўлиши керак. Ана шунда дарслик қисқа вақтда эскирмайди.

**— Сизнинг яқинда Сирдарё вилоятида бўлиб қайтганингиздан хабардорман. Қўлимдаги маълумотномага қараганда, беш кун давомида Оқолтин, Гулистон ноҳиялари, қатор шаҳарлар халқ таълими бўлимлари ва улар раҳбарлик қилаётган мактаблар, ўқитувчи ва ўқувчиларни дарсликлар, бадиий ва методик адабиётлар билан таъминлаш даражаси таҳлил қилинган. Ана шу текшириш натижалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Вилоятда ишлар дуруст. Муҳими — ҳамма халқ таълими бўлимларида мактаб дарсликлари фонди билан шуғулланувчи методист штати бор. Вилоят халқ таълими бошқармаси ноҳияларни дарслик билан таъминланганлик масаласини ўрганяпти. Дарсликлар масаласидаги номутаносибликлар аста-секин бартараф қилиняпти.

Афсуски, камчиликлар ҳам жуда кўп аниқланди. Масалан, Оқолтин ноҳиясида бўлиб, 17 та мактабни ўргандик. 14 та мактабда ўқувчиларни дарслик билан таъминлаш масаласи жуда чатоқ. Бунинг асосий сабаби ноҳия халқ таълими раҳбарларининг дарсликлар таъминоти каби муҳим ишга эътиборсизлик билан қараши, мутахассис кадрлар танлаш ва улар билан иш олиб бормаслик натижасида мактабларда ишлаб турган кутубхоначиларнинг 23 нафаридан 3 нафари кутубхоначилик мутахассисига эга, 10 киши бир йилдан кам ишлаётган кадрлардир. Халқ таълими бўлимида мактаблардан дарслик учун буюртма талаб, қилинмайди, лимитлар ажратишда ҳам мактаблар талабидан келиб чиқилмайди. Натижада бир мактабда дарслик етишмайди, бошқасида ортиб ётибди. Методик кабинет ҳатто вазирлик томонидан ўқув йили бошланмасидан аввал барча мактабларга етказиш учун юборган ўзбек, рус, қозоқ тилларида ўқитиладиган мактабларга мўлжаллаб 1991/92 ўқув йилида қўлланиладиган дарслик ва методик қўлланмалар рўйхатини биронта ҳам мактабга етказмаган.

Халқ таълими бўлими томонидан мактабларга методик ёрдамнинг йўқлиги туфайли ноҳиядаги саккизта мактабда бешта фандан 1991 йилда янги олинган дарсликлар мактаб кутубхонасида бўлатуриб, ўқитувчилар жамоаси эски дастур, эски дарсликлар билан ўқувчиларга сабоқ бермоқда. Ёки 16-мактабнинг кутубхоначиси олий маълумотли рус тили ўқитувчиси бўлатуриб, 1989 йилда янги дастур асосида нашр бўлган дарслик чоп қилинганига қарамай, мана, уч йилдирки, 8-синф ўқувчиларига эски дарсликдан таълим бериб келади. Мактаб кутубхоналари учун бадиий ва методик адабиётларга на ноҳия метод кабинети томонидан, на мактаблар томонидан буюртма берилмайди.

Вилоятдаги мактабларда ўқитувчи ва ўқувчилар билан учрашувимиз мавзусидан бири жуғрофия, тарих фанларидан ўқув атласлари, контур карталар йўқлигидан шикоят қилдилар. Афсуслар бўлсинки, вилоят китоб омборхонасида минг-минглаб нусхада ўқув атласлари, контур карталар эгасига ета олмай зор ётибди. Ваҳоланки, вилоят халқ таълими бошқармаси 1992 йил учун ўқув атласлари ва контур карталарга (5-11-синфларда 70 мингдан ортиқ ўқувчи бўлатуриб) бу сафар ҳам 11-12 минг нусхада буюртма берган.

Очиғини айтганда, биз камгина санаб ўтган бу каби ютуқ ва камчиликлар, нуқсонлар республикамиздаги кўпгина вилоят, ноҳия халқ таълими бўлими ва бошқармаларига, мактабларга хосдир. Улар ҳозирдан ана шундай қўпол хато-камчиликларни тузатишга киришмоқлари даркор. Биз Сирдарё вилоятида аниқланган барча нуқсонларни тузатиш учун шу сафарнинг ўзидаёқ қатъий чора-тадбирлар белгилаб қайтдик, ходимларга тегишли тавсия ва маслаҳатлар бердик.

**— Ҳозир мактабларда айрим фанлардан дарслик, ўқув-методик қўлланмалар йўқ ҳисоби. Борлари эса аллақачон ҳам маънавий, ҳам мухтасар мазмунан эскириб бўлган. Хўш, ўқитувчи-ўқувчилар энди қандай йўл тутмоқлари лозим?**

— Биз учрашувларга борганимизда ўқитувчиларнинг мавзу, режа, дастур бор, аммо дарслик йўқ. Биз қандай дарслик ўтамиз? — деган саволларига бот-бот дуч келамиз. Бу хусусдаги фикрларни педагогик матбуотда ҳам кўп ўқиймиз. Сирасини айтганда, дарслик ўқитувчи учун эмас, балки ўқувчига мослаб чиқарилади. Ўқитувчи эса бир мавзуни олганидан кейин шу мавзу бўйича қизиқарли дарс ўтиш мақсадида изланиши даркор. Унинг учун олимларнинг қўша-қўша китоблари, методик ва илмий қўлланмалар бор. Мен шахсан ўқитувчининг фақат дарсликка суяниб машғулот ўтишини кескин қоралайман.

Ҳозирги кун ўқитувчиси аввало ижодкор бўлиши, машғулотга ижодий ёндошмоғи лозим. Ҳар қандай ўқитувчининг ҳам ижодийлик мезони ҳозирги давр танқислиги, китоб етишмовчилиги пайтида нечоғли қизиқарли машғулот ўта олиши билан ўлчанади.

Ўқувчилар эса ҳозир «борига барака» деганларидек, қўлларида мавжуд дарсликлардан фойдаланиб туришлари лозим. Ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам мавзуни таҳлил этишда матбуотда эълон қилинаётган материаллардан фойдаланишса, дарснинг долзарблиги, ҳозиржавоблиги ошади. Хуллас, муаллим қанчалик ижодкор эканлигини ҳозирги етишмовчилик, тиғиз паллада кўрсатмоғи, шу билан етилиб қолган муаммони бир оз юмшатиши лозим ва мумкин.

**Суҳбат тафсилотларини махсус мухбиримиз Аваз ҲАЙДАРОВ оққа кўчирди.**



Биринчи тоифали ўқитувчи Зуҳра Йўлдошева Чиноз шаҳридаги 40-мактабда 15 йилдирки ёш авлодга инглиз тили фанидан дарс бериб келади.

Суратда: З. Йўлдошева 6-синфда дарс ўтмоқда.

А. ЧАПЛИГИНА тасвири.

*Муаллим мутолааси*

## ДАВРЛАШТИРИШ — ЖИДДИЙ МАСАЛА

Қўлимиздаги янги дастур — лойиҳа шу пайтгача яратилган дастурлардан тубдан фарқ қилади. Биз 60—70 йил давомида адабиётни, барча фанлар сингари, марксча-ленинча методология, коммунистик партия йўл-йўриқлари асосида «ўқитиб» келдик. Адабиёт тарихини даврлаштиришда марксча-ленинча методология қўлимиздаги «ўткир қурол» эди. Марксча-ленинча методология динни инкор қиларди: дин давлатдан ажратиб ташланганди. Шарқ мусулмон адабиёти, санъатини ислом динисиз, Қуръони шарифсиз, муқаддас ҳадисларсиз тушуниш, англаш зинҳор мумкин эмас эди. 60—70 йил давомида адабиёт ўқитишни «бир амаллаб» келдик. Натижада ўқувчиларнинг адабиётдан ихлоси қайтди, буюк санъаткорлар ижодини эснаб-эснаб эшитди, машҳур асарлардаги қаҳрамонлар устидан куладиган одат чиқарди. Хўш, бу номаъқулчилик учун ўқувчини айблаш, ўқитувчини гуноҳкор қилиш, чала-чулпа дарсликлар яратганларни ёмон отлиқ қилиш керакмиди? Машҳур мусулмон шоирлари ижодидан динга қарши фикрларни синчиклаб қидирдик, мақсадимизга эришиш учун асарларни бузиб-ёриб баҳоладик, талқин қилдик. Шарқ санъатшунослиги, адабиётшунослигида баҳолаш илми, талқин назарияси теран ишланган эди. Янги шўро адабиётшунослиги баҳолаш, талқин илмларини айқаш-уйқаш қилиб юборди.

Янги дастур-лойиҳада марксча-ленинча методология, синфийлик, партиявийлик, социалистик реализм деган ибора, атамалар йўқ. Лекин, ўрганган кўнгил... деганларидай, даврлаштиришда, хусусан, шўро адабиётини қисмларга ажратишда эскича назарий қарашлар таъсири бўлганлиги сезилади. Ҳозирги даврлаштиришдаги янгиликлар нималардан иборат? Аввалари «Энг қадимги адабиёт» дейилганда эрамизнинг IV—V асрларидан то эрамизнинг X асригача бўлган муҳлат қамраб олинарди. Муҳими, энг қадимги адабиётни ўрганишга ҳали жиддий киришилмаганлиги сазилиб турарди. Қаҳрамонлик афсоналари, «Авесто»дан ўрин олган бадиий лавҳалар, Маҳмуд Қошғарийнинг машҳур «Девону луғатит турк» асарига киритилган лирик шеърлар, меҳнат қўшиқлари — энг қадимги адабиёт намунаси сифатида бериларди. Ҳозир энг қадимги адабиёт бўйича қизиқарли тадқиқотлар олиб борилганлиги маълум. Ўрта Осиё мавзуси Ғарб антик адабиётида; Искандар ҳақидаги асарлар, шоҳ образи эволюцияси: элимизнинг Ўрта Осиё халқлари маданиятига таъсири; қадимги битиклар, жанрлар, шеър тузилиши сингари масалаларда жиддий ишлар юлиб борилди. Энг қадимги адабиёт қиёфаси анча ёрқинлашиб қолди. Янги дастур-лойиҳа муаллифлари энг қадимги адабиётдан икки асрни ажратганлари, VIII—XII асрни яхлит бир давр қилиб олганлари кўзга дарҳол ташланади. VIII—XII аср Ўрта Осиё халқлари тарихида муҳим аҳамиятга эга. Бу даврда Ўрта Осиё халқи араб истилочиларига қарши курашди. Араблар Ўрта Осиёни босиб олиш билан чекланмадилар, улар халқнинг қалбини, руҳини эгаллашга киришдилар. Ўрта Осиё араблар истибдодидан қутилди. Лекин халқ араб ёзуви, араблар олиб келган динга мангу боғланиб қолди. Ислом дини халқ руҳига, яшаш тарзига, воқеаларни идрок этиши, баҳолашига таъсир этди. Араб истилоси тугар-тугамас Ўрта Осиёда руҳий-маданий урфоний-маънавий кўтарилиш юз берди. Дастур-лойиҳада ижтимоий-сиёсий ҳаёт, ислом дини, Қуръони карим, ҳадислар, тасаввуф, қомусий олимлар, диний-дунёвий асарлар ҳақида маълумот берилганки, бу ҳол янгича тафаккурнинг самарасидир. Шарқ-мусулмон маданияти, адабиёти, фалсафаси, санъатини ислом динидан ташқарида англаш, баҳолаш, талқин қилиш амри маҳол. Менимча, бундан 70 йил аввал шарқ-мусулмон халқлари қўлидан тортиб олинган қудратли калит — ислом дини яна халққа қайтарилди. Биз ўтмиш адабиётимиз, фанимиз, санъатимизни энди ҳаққоний ўрганиш, баҳолаш имконига эга бўлдик.

Дастур муаллифлари XIII—XIV аср адабиётини; XV асрнинг 1 ярмини; XV асрнинг II ярми — XVI аср адабиётини; XVII—XVIII ва XIX асрнинг I ярми адабиётини, ниҳоят, XIX асрнинг II ярмини мумтоз адабиётимизнинг даврлари қилиб белгилаганлар. Бундай даврлаштиришга изоҳлар берилмаган. Айниқса, XV аср адабиётини икки мустақил давр қилиб олинишининг моҳияти қоронғу бўлиб қолган. XV асрнинг II ярми адабиётида Навоий ижоди асосий ўрин эгаллайди. Муаллифлар Навоий яшаган йилларни алоҳида кўрсатишни маъқул кўрганлар десак, XV асрнинг I ярмини алоҳида давр қилиб олишга нима сабаб бўлди? Бу даврни XIII—XIV асрлар адабиётига қўшиб юбориш мантиқан асосланган бўлмасмиди? Халқ тақдирида рўй берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар нуқтаи назаридан қараганда, XIX асрнинг II ярмини XX аср адабиётига қўшиб юбориш мантиқли бўларди. Дастур-лойиҳада даврларга ажратиш на асрлар принципига, на сулолалар ҳукмронлиги талабларига ва на, ҳатто, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар моҳиятига боғланиб кетмайди. Муаллифлар тўғрими-баҳслими, барибир, даврлар адабиётини номлашлари жоиз эди. Номлашда нуқтаи назар, мақсад, концепция англашилган бўларди.

XX аср адабиёти даври яна беш майда-майда даврчага ажратилган. Беш даврча шўро адабиётидаги, аввалги дастурларимиздаги даврларга жуда ўхшаб кетади. Қизиғи шундаки, XX аср адабиёти даврларининг баъзилари номланган, учтаси йиллар бўйича ажратилган. Дастур муаллифлари ягона принципга риоя қилмаганлар. 1905—1916 йиллар адабиёти миллий уйғониш даври деб номланган. Масалага жиддийроқ қарасак, миллий уйғониш XIX асрнинг 80—90-йилларига тўғри келганини сезамиз. Аниқроғи, чоризм зулми ошгани сайин миллий уйғониш тезлаша борди.

Дастур-лойиҳада тасаввуф адабиёти намояндаларига ўрин ажратилгандай, яқин-яқинларгача «Феодал-сарой адабиёти вакили» ёрлиғини олиб юрган Аҳмад Табибий сингариларга ўрин берилган. Афсуски, дастурда Хусайний, Амирий, Феруз сингариларга ўрин ажратилмаган.

XX аср адабиёти деганда Камий, Партав, Мискин, Хислат, Таваллo, Нозимахоним Саидаҳмад қизи сингари шоирлар ижоди ҳам тушуниладики, улар ҳақида деярли ҳеч нарса дейилмайди.

Адабиёт тарихининг даврлари дейилганда ниҳоятда мўл хусусиятлар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Дастурда кўрсатилган даврларнинг ҳаммаси учун муштарак белги халқнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ҳаётидаги эврилишдир. Тарих тебранишлари мамлакат ҳаётида, халқ руҳиятида чуқур из қолдиради. «Аждодларимизнинг ғоят зиддиятли ўтмиш ҳаётида ҳаловат бўлмаган, — деб ёзади файласуф Ҳайдар Пўлатов «Ўзбек мафкураси» мақоласида. — Кўҳна тарихнинг гирдоби, беаёв тўлқинларида халқимиз не-не кечмишларни кўрмади. Бошқа халқлар каби улар ҳам мағлублик жабрини кўрдилар, ҳам ғолиблик гаштини сурдилар. Бу ерда эрон шоҳлари, юнон-македония императорлари, турк султони ва коганатлари, араб халифалари, мўғул хонлари, рус генераллари ва губернаторлари халқимизнинг миллий қаддини шафқатсизларча букишга, маданий меросимизни тугатишга, тилимизни сиқиб қўйишга уриндилар. ...Халқимиз қатъий сўзи ва бунёдкорлик меҳнати билан, ўткир қалами ва кескир қиличи билан ўз мустақиллигини, қадр-қимматини мардона сақлаб қолди» («Мулоқот» ойбитиги, 1991 йил, 6—сон, 4—бет). Ўзбек адабиёти тарихида эрон шоҳлари, юнон-македония императорлари, араб истилочилари, мўғул босқинчилари, рус чоризми босқини алоҳида-алоҳида даврлар қилиб олинган.

Адабиёт даврларида яна бир хусусият аниқ сезилади. Бадиий адабиёт тарих, мантиқ фанларидан кескин фарқ қилади. Бадиий адабиётда тарихий шахс номи-насаби сақланиб қолиши мумкину, аммо унинг тийнати (характери) бутунлай бошқача талқин этилиши мумкин. Тарихда Искандар босқинчи, қаттиққўл подшо бўлган. Аммо Низомий Ганжавий уни адолатпеша, Алишер Навоий донишманд қилиб тасвирлашган. Бадиий адабиётни шоҳлар, саркардалар, ҳоқону аскарлар эмас, инсон қалби, тийнати қизиқтиради. Улуғбекни руҳий қийноқлар чоғида акс эттириш, Ҳиндистонни забт этган Бобурни бахтсиз инсон сифатида кўрсатиш адабиётга хос хусусият. Хуллас, бадиий адабиёт тарих ҳақиқатини бадиият, санъат қонуниятларига бўйсундиради.

(Давоми 3-бетда).

# ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

**Инқилобий зўравонликнинг аҳамияти ҳақида.** Инқилобий зўравонликнинг ижтимоий-тарихий ривожланишдаги аҳамияти: унинг мақбуллиги, чегаралари, шакллари, умуминсоний нуқтаи назардан унга бериладиган баҳо масаласи марксизм таълимотининг шундай бандларидан биридирки, ҳозир бу масала кўп жиҳатдан қайта идрок этиб чиқилмоқда.

Юқорида гап ҳар қандай зўравонликни истисно этадиган ижтимоий адолат жамияти бўлмиш коммунизм ҳақидаги марксча тасаввурлар ҳақида борган эди. Бироқ марксизм асосчиларининг фикрича, бу жамиятга эришиш йўли фақат социалистик инқилоб орқали, яъни ўткир синфий кураш даври орқали ўтади. Инқилобий зўравонлик муқаррар. Чунки буржуазия ҳокимиятини ихтиёрий равишда бермайди, пролетариат уни курашиб қўлга киритиши керак. Айни вақтда Маркс билан Энгельс инқилобий зўравонликни маънавий жиҳатдан ўринли деб ҳисоблар эдилар, чунки пролетар инқилоби ҳамиша меҳнаткашларга

(Боши ўтган сонларда).

мунтазам равишда асрлар давомида қилиб келинган зўравонликка бериладиган жавобдир. «Синфий кураш қандайдир жозибасиз ва қўпол бир нарса деб четга суриб қўйиладиган жойларда социализмнинг асоси тариқасида фақат «адолат» тўғрисидаги қуруқ сафсаталаргина қолади» (Асарлар, 19-том, 173-бет).

Шу билан бирга марксизм асосчилари инқилобий зўравонликнинг «қонунийлиги»ни таъкидласалар ҳам, унинг ҳаддан ошувига, «беҳуда шафқатсизлигига» қаттиқ қарши чиққан эдилар «Тинч ташвиқот мақсадга тўғри йўл билан тезроқ элтадиган жойларда исён кўтариш телбалик бўлур эди» (Асарлар, 17-том, 635-бет). Ишчилар синфи, агар вазият имкон берса, синфий кураш жуда оқилона ва инсоний йўл билан ўта оладиган вазиятни вужудга келтиришга интилади, деб таъкидлаган эди Маркс.

Аммо Маркс билан Энгельс, ҳатто олижаноб мақсад йўлида бўлса ҳам, зўравонлик ҳаракатларига шу қадар катта аҳамият бериб, тўғри иш қилдиларми. Ўзгартишларни зўрлик, қатағонлар, давлат миқёсида турли-туман чеклашлардан фойдаланишдан бошлаш орқали порлоқ одилона дунёни барпо этиб бўладими. Умуман бундай воситалардан фойдаланганда мақсаднинг алмашинуви содир бўлмайдими. XX аср тарихининг, айниқса, мамлакатимиздаги аянчли воқеалари шу уқубатли саволларга қайта-қайта мурожаат этишга мажбур қилади.

XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида вужудга келган турли ижтимоий-сиёсий йўналишлар ва ғоявий оқимлар марксизмни янги тарихий шароитда қўллашга урина бошладилар. Бу ишда улар, аввало, инқилобий зўравонликка йўл қўйиш мумкинлиги ва мақсадга мувофиқлиги масалада бир-бирларидан мутлақо фарқ қилдилар. У ҳақда келгуси параграфда гап боради.

### Саволлар ва топшириқлар

1. Марксизм асосчилари капитализм ҳалокати муқаррарлигини қандай асослаб бердилар. Бунда улар қайси аниқ тарихий мисолларга таяндилар. Сизнинг фикрингизча, улар капитализмга баҳо беришда ва унинг келажагини тахмин қилишда қайси масалаларда ҳақ бўлдилар-у, қайси масалаларда хато қилдилар.

2. Энгельснинг фикрича, марксизмнинг иккинчи буюк кашфиёти нимадан иборат бўлди. Қўшимча қиймат назариясининг асосий қоидаларини сўзлаб беринг.

3. Маркс билан Энгельс тарихда пролетариатга қандай роль ажратдилар. Улар ўз фикрларини қандай асослаб бердилар.

4. Синфий жамиятда холис ижтимоий фан бўлиши мумкин эмас, деган хулосага қўшиласизми. Ўз нуқтаи назарингизни асослаб беринг.

5. Марксизм классикларининг социализм ва коммунизм ҳақидаги тасаввурлари қандай эди. Утопиячи социалистларнинг ғоялари уларга таъсир қилдими. Бу нарса қандай ифодаланди.

6. Бизнинг давримизда инқилобий зўравонликнинг аҳамияти ҳақидаги масала шу қадар ўткир тус олганининг сабаби нима.

### 5. Марксизмнинг тарихий тақдири

**(XX асрда марксизм таълимотининг ривожланиши)**

Марксизм таълимотининг Маркс вафотидан кейинги тарихий тури ва туси жиҳатидан жуда хилма-хил бўлди. XIX асрнинг охирларида таъсирли ғоявий оқим бўлиб қолган марксизм ўз байроғи остига тобора янги-янги тарафдорларни тўплади. Унда бир неча йўналиш пайдо бўлди. Турли йўналишларнинг тарафдорлари марксизм ғоялари ва қоидаларини ҳар хил талқин этиб, уларни ортирилган тарихий тажриба нуқтаи назаридан қайта идрок эта бошладилар. Ғарбий Европа социал-демократиясида Э. Бернштейн бошчилигидаги ревизионистлар, К. Каутский тарафдорларидан иборат «қоидаларнинг соқчилари», Россияда Ленин бошчилигидаги большевиклар, шунингдек, аслида Ғарбий Европа социалистларининг фикрларига қўшилган меньшевиклар (Г. Плеханов, Ю. Мартов ва бошқалар) ҳам шулар жумласига киради.

**Маркс битта, «марксчилар» кўп.** Марксизм турли, баъзан эса турли оқимларга бўлиниб кетганининг сабаби нима. Ҳозирги замон тадқиқотчилари таълимотнинг ўзи хилма-хиллигини бунинг сабабларидан бири деб билмоқдалар. У умуман яхлит бир таълимот бўлса ҳам, аммо бирмунча мустақил қисмларни (сиёсий иқтисодни, фалсафани, социализм назариясини) ўз ичига олади. Улардан ҳар бирининг доирасида бир талай масалалар борки, муаллифларнинг ўзлари бу масалаларни тадқиқ қилиб, кўпинча ўз ижодининг турли даврларида ҳар хил хулосаларга келганлар (масалан, «Коммунистик партия манифести»нинг айрим қоидаларини Энгельснинг 90-йилларда айтган фикрларига таққослаш кифоя). Бир қанча тадқиқотчилар марксизм назариясининг ўзидаги баъзи зиддиятларга эътиборни қаратмоқдалар. Чунончи, марксизм асосчилари «казарма коммунизми»га қарши чиқиш билан бирга пролетариат сиёсий ҳокимиятни қўлга олгандан кейин амалга ошириши керак бўлган шундай чораларни таклиф қилганларки, бу чоралар маълум шароитларда айни мана шундай социализмга: хусусий мулкчиликни тугатишга, ҳамма нарсани ёппасига давлат ихтиёрига олишга, халқ хўжалигини бир марказдан давлат қўли билан бошқаришга олиб бориши мумкин эди.

Бошқача қилиб айтганда, марксизм таълимотининг ўзи мураккаб, ҳаракатчан, очиқ таълимот бўлиб, у бошқача тарихий шароитларда турли талқин этиш эҳтимолини истисно қилмайди.

Бундан ташқари марксизмнинг кенг ёйила бошлаши шароитида унинг айрим қоидалари ўзгартирилиши, соддалаштирилиши, баъзан эса ақидага айлантирилиши, қандайдир мутлақ қонун қилиб қўйилиши эҳтимолдан холи эмас эди. Энгельс умрининг охирида ташвишланиб қайд этганидек, Маркс асарлари ва ёзишмаларининг айрим ўринларини баъзи инқилобчилар «бамисоли дуойи фотиҳа каби ёдлаб олиб, баланд овоз билан такрорлайвериладиган ақидалар мажмуи» деб талқин қила бошлаган эдилар. (К. Маркс, Ф. Энгельс, Асарлар, 38-том, 82-бет). Бироқ ҳар ҳолда, муҳими бошқа ёқда эди. XIX—XX асрлар маррасида тарихий воқеликнинг ўзида чуқур ўзгаришлар содир бўлди.

(Давоми бор).

# ЗУЛМАТДА ҚОЛГАН ЗИЁ

**Исломжон ТУРСУНОВ, Ҳайдарали УЗОҚОВ**

Шундай қилиб, М. Рамзи А. Икромовнинг «жиноий иши» бўйича 34 киши қамоққа олинди. Рамзи А. Икромов фаолияти билан боғлиқ бўлган «Миллий иттиҳод», «Миллий истиқлол» ва «Чиғатой гурунги» ташкилотларининг аъзолари советларга қарши энг хавфли кишилар сирасига киритилиб, қуйидаги адолатпарвар, мустақиллик учун бетиним курашганлар — 30-йилларнинг довюрак зиёлилари сифатида рўйхатга олинди ва аёвсиз қатағон қилинди. Абдулҳай Тожиев, Қаюм Рамазонов, Акбар Исмоилов, Анқабой Худойбахтиев, Ғулом Ёқубов, Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон), Босит Қориев, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Нишонбек Мавлонбеков, Давлат Ризаев, Саъдулла Турсунхўжаев, Абдулла Тошмуҳамедов, Муҳиддин Эрматов, Ғанихон Ҳамидхонов, Акмал Икромов, Зиё Гимадиев, Қосим Сорокин, Аъзам Аюпов, Мўмин Усмонов, Фитрат каби 34 киши асоссиз йўқ қилинди. (Ўша иш, 57-бет).

Рамзини отувга ҳукм этиш, уни мутлақо йўқ қилиш учун тўпланган материаллар етарли эмас эди. «Иш»ни янги-янги «материаллар» билан «тўйинтириш», «пишитиш» ўша давр дорилломон терговининг характерли хусусияти эди. Терговчининг ҳуқуқи «азроилнинг қамчиси» билан тенг эди. Ҳатто КГБнинг чиллакдек кичик бир терговчиси ҳам райком, райисполком, обком, облисполком, қўйингчи, партия ва совет ташкилоти раҳбарларидан ўзларини устун қўярди. Айтиш жоиз бўлса, «Бутун ҳокимият Советларга» эмас, бутун совет ижтимоий тузуми ана шу қонунбузар ва миллатчиларга эди. Бу кишилар қўлларидан келган жамики жиноятлар, азоб ва қийноқларни ишга солиб, не-не буюк инсонларга қирон келтиришмади, ахир!

Рамзи «иши» «мустаҳкамлаш» учун ўша 30-йилларда ўзининг «бир сўзлиги» билан бошқа терговчи-қонунбузарлардан фарқланувчи Матвеевга берилди. **(Матвеев Федор Николаевич, 1937 йилда НКВДнинг КГБси 4-бўлими бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаган, 100 дан ортиқ зиёлининг отилишига «мададкор» бўлган. Матвеевнинг ўзи ҳам қамоққа маҳкум этилиб, охири 1952 йил, 12 октябрда ўлган (917657-иш, 103-бет).**

Матвеев 1937 йилнинг 24 ноябрь куни тергов камерасига Рамзи ва Сорокинни келтиртириб, уларни юзлаштирди.

Матвеев Сорокинга одатдаги ҳамма маҳбусга бериладиган савол билан мурожаат қилади:

— Ўтирган Маннон Рамзи аксилинқилобий миллатчилик ташкилотида бўлганми?

— Ҳа, бўлган.

Матвеев Рамзига юзланди:

— Сорокиннинг кўрсатмасини тасдиқлайсизми?

— Ҳа, тасдиқлайман. Мен ҳақиқатан ҳам А. Икромов бош бўлган аксилинқилобий миллатчилик ташкилотида бўлганман.

Матвеев Сорокинга қарайди.

— Аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти сиз иштирок этгандан сўнг ўз фаолиятида қанақа амалий ишларни қилди?

— Бу ташкилотга мен аъзо бўлгач, у Ўзбекистон халқ хўжалигига ўта заракунандачилик ишларини олиб борди, айниқса, маориф соҳасига катта зарар етказди.

Матвеев Рамзига:

— Сорокин тўғри айтяптими?

— Ҳақиқатдан ҳам, бизнинг аксилинқилобий миллатчилик ташкилотимиз Совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борди. Мақсадимиз Ўзбекистонни Совет Иттифоқидан ажратиб олиб, буржуа-демократик мустақил давлат тузишдан иборат эди. (Ўша иш, 61—62-бетлар).

Офарин! Рамзи шундай олижаноб мақсадларни амалга ошириш учун ҳар қандай жафоларга, қийноқларга бардош бериб қаддини баланд кўтарибди, ҳақ йўлида тик турибди. Лекин Маннон ака қалбини бир адолатсизлик, ноҳақлик ва бир-бирлари устидан нотўғри кўрсатмалар беришга таъсир ва тазйиқ ўтказишлар қийнар эди. Шу сабабли қийноқлар ва тазйиқлар негизидаги барча кўргазмалардан воз кечиб, судда бирontасини ҳам тан олмади. Бу «айблов»лар мутлақо асоссиз, исботланмаган «далил»лар эканлигини айтди. Бироқ бу адолат ҳайқириғи хўрознинг бемаҳал қичқириши билан тенг эди...

1938 йилнинг 27 апрели. Соат 17 дан 15 дақиқа оғган. СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг ёпиқ суди мажлиси бўлиб, бор-йўғи 15 дақиқа давом этган суд жараёнида М. Рамзи отувга ҳукм этилади.

Бироқ сўроқ ва қийноқлар, адолатсизликлардан қадди дол бўлган маҳбус 1937 йил 11 ноябрда Н. И. Ежов ва бир нусхасини Сталинга йўллаб, 2,5 саҳифали ариза ёзади. Минг афсуски, бу аризалар тегишли кишиларга етиб бориш ўрнига «дело»ларда қолиб кетди.

Мана, ўша аризадан парчаларни ўқинг.

«Мне тяжело вспомнить ту знаменательную дату, когда я был освобожден из-под стражи по решению великого вождя народов т. Сталина и Вашему. Это было в ноябре 1934 г. Сердце обливается кровью каждый раз, когда представляю себе то, что я показал в своем заявлении Икрамова, Таджиева, Каримова и себя в том числе, изобличенных ныне врагов народа, как стойких большевиков и отказался от начатого мною разоблачения еще в 1930 году...

Я был возмущен, когда меня вторично арестовали 18 августа этого года в городе Ростов-на-Дону и перевезли в Ташкент. Но вдумавшись в огромную важность нового этапа борьбы победившего социализм с гнусными действиями врагов народа всех мастей, я пришёл на правильный путь, на путь решительного разоблачения себя и других моих соучастников Икрамова, Каримова и т. п...

Прошу Вас вторично не привлечь к ответственности...» (ўша иш, 48—50-бетлар).

Атоқли ўзбек педагоги, ўз халқининг истиқлоли йўлида ҳам яширин, ҳам очиқ иш олиб борган Маннон Рамзи Абдуллаев отилиб кетди. Аммо уни йўқотган қонунбузарлар яшадилар. Улар ўзларининг қилган қуйидаги ноқонуний ишлари учун қонун олдида жавоб беришлари шарт эди.

НКВД Давлат ҳавфсизлиги комитетининг ҳужжат асрови (архиви)да сақланаётган мазкур «жиноий иш»нинг 78-саҳифасини очамиз. Агар айтиш жоиз бўлса, колхоз ва совхозларда мол фермалари ҳисоботи учун олдиндан нашрдан чиқариб қўйилган «график-лар»га ўхшаш, аниқроғи, худди ўшанинг ўзини эслатувчи СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг суд ҳукми учун олдиндан тайёр нашрдан чиқарилган махсус «Приговор», «Постановление» сарлавҳаларида бланкаларга кўзимиз тушади.

Бунда бланканинг матнлар таркибида қолдирилган уч нуқталар ва очиқ қолдирилган жойларига одамлар исми ва фамилияси қўлда ёки машинкада ҳукмдан олдин ёки сўнг «отувга ҳукм этилсин, унга тегишли нарсалар мусодара қилинсин. Ҳукм зудлик билан ижро этилсин. Шикоятга ўрин йўқ» деган совуқ жумлалар тиркаб қўйилади. Ҳа, худди шундай.

Бор-йўғи 15 дақиқа давом этган ўша кунги суд жараёнидаги «одил» суд ҳукми Маннон Рамзи тақдирини ҳам олдиндан тайёрлаб қўйилган ҳукм бланкасига айнан шундай муҳрлаганди. Ўз халқининг истиқлоли, демократия, инсонийлик йўлида курашган атоқли ўзбек зиёлиси тақдирига бундай бефарқларча муносабатда бўлган судья Миляновский ҳукмга имзо чеккан; Романичев ва Преображенцев — суд аъзолари ва Юдин—секретари сифатида ўз «ҳукмлари»ни тасдиқлашган ва ўша 27 апрель куни Москвада бу ҳукм ижро этилиб, М. Рамзи отиб ташланди.

Ўз отасининг тақдири билан қизиқиб, Маннон аканинг қизи Турсун опа СССР Прокуратурасига 1956 йил 18 апрелда расмий ариза билан мурожаат қилади. 1957 йил 25 июндаги Туркистон Ҳарбий прокуратурасининг берган гувоҳномасига кўра, Акмал Икромов «иши» билан қатағон қилинганлар, жумладан, М. Рамзи ҳам тўла оқланганди.

Халқимизнинг истиқлоли йўлида астойдил курашган вакиллардан бири М. Рамзи, шарқшунос олим Шоислом Шомуҳамедов айтганидек, ўша давр ваҳшийлари, қилиғидан умрбод кулди. Шу сабабли мазкур мақолани педагог олимнинг қуйидаги сатрлари билан якунламоқчимиз:

Мустақиллик олға сурилар,
Фикру ишлар қайта қурилар.
Базъи жойда ишлар пачава,
Ишбошилик қилса бўрилар.

(Боши ўтган сонларда).



Дилфуза Орифжонова пойтахтимиздаги 90-мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради. Унинг 25 йиллик меҳнати зое кетмади. Эндиликда у биринчи тоифали ўқитувчи, ҳамкасблари ва шогирдлари ўртасида обрў-эътибор қозонди. Шу мактабнинг немис тили ўқитувчиси Ф. Қосимова ҳам ёшларга сабоқ беришда Дилфуза опадан қолишмайди.

Тасвирларда: 90-ўрта мактабнинг илғор ўқитувчилари Ф. Қосимова ҳамда Д. Орифжоновалар.

А. ЧАПЛИГИНА сурати.



## ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

**Бугунги кунда умуминсоний қадриятларимиз қайта тикланиб, миллий урф-одатларимиз ҳаётда ўз ўрнини топмоқда. Одамлар янада кўпроқ меҳрга, эътиборга эҳтиёж сезишмоқда. Айниқса фахрийларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар чексиздир. Бу борада яқинда Уйчи ноҳиясида ўзига хос тадбир ўтказилди.**

**Учрашувда узоқ йиллар таълим-тарбия ишини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган муаллимлар — Долимжон Раззоқов, Турсунбой Бобомирзаев, Ҳасанбой Мадиёров, Муҳиддин Дадабоевлар жумҳурият Президентининг фармонлари асосида халқ таълими ходимларига берилаётган имтиёзлардан беҳад мамнун эканликларини таъкидлаб ўтдилар. Учрашувда ноҳия марказида «Ўқитувчилар боғи» ташкил этишга қарор қилинди. Бу ҳаракат хайрли мақсадларни кўзда тутади. Чунки ота-боболаримиз «яхшидан боғ қолади» деб бежиз айтмаганлар.**

**Б. ҚЎШМОНОВ.**

*Муаллим мутолааси*

# ДАВРЛАШТИРИШ — ЖИДДИЙ МАСАЛА

(Боши 2-бетда).

Адабиёт тарихи даврларида яна бир хусусият борки, у ҳақда алоҳида тўхталиш жоиз. Урушлар, жангу-жадаллар — фожиа. Лекин жанглар, босқинлар, ғолиблигу мағлубиятлардан кейин турли миллат кишилари ҳаёт мушкулликларини, қувончларини бирга баҳам кўрганлар. Байналмилаллик бадиий адабиётнинг энг қадимий, муҳим хусусиятларидан ҳисобланган. Буюк санъаткорлар асарларида турли миллат, элат намояндалари иштирок этади. Бу ерда Алишер Навоий ижоди ёрқин мисолдир. Фурқат ижодида ҳам рус, кашмири, ҳинду, уйғур сингари миллат вакиллари образи бор. Шундай қилиб, бадиий адабиёт инсонларни миллати, дини, амалмавқеига кўра эмас, шаклланган инсоний қадриятлар, эзгуликларга муносабатига кўра баҳолайди. Биз танишган даврлар адабиётида бу хусусият устиворлик қилади.

Давр — яхлит адабиёт тарихининг бўлаги. Лекин у тирик, жонли жараён. Ҳар бир даврнинг ичида антологик ҳаракат давом этади: қайсидир жараёнлар етакчилик қилади, адабий тамойиллар аро кураш сусаймайди. Муҳими, бугун етакчи бўлган хусусият аста-секин сўниб бориши, ўсиб бораётган янги йўналишга ўрин бўшатиши табиий. Бу ўринда мен ёш адабиётшунос Мусурмон Номозовнинг «Ўз даврида, ўз даврасида» мақоласидаги («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси, 1991 йил, 8 ноябрь) «жадид адабиёти бағрида янги шўро адабиёти ривожланди, икки йўналиш ўртасида кураш давом этиб, комфирқа мафкураси ҳимоясидаги шўро адабиёти ютиб чиқди», деган фикрига қўшиламан. Жонли адабий жараёндаги ички курашлар асосан ташқаридан бўладиган таъсирларни инкор этади. Марксча методология ҳам жонли адабий жараёндаги ички курашларни тан олади. Лекин у масалани сиёсат томонига буриб юборади. Адабий ҳаётдаги жонли жараёнда замон талабларига жавоб берадиган, замондошлар майлини акс эттирадиган йўналишлар ғолиб келади. Прогрессив ёхуд реакцион, диний-мистик ёки феодал-сарой адабиёти сингари тушунчалар жонли жараён табиатига мос келмайди.

Адабиёт тарихининг даврларида юқорида айтиб ўтганларимизга ўхшаш яна кўплаб хусусиятлар намоён бўлиши мумкин. Ҳар бир давр адабиёти ўз устивор услуби, методи, қаҳрамонини танлаши ҳам мумкин.

Дастур-лойиҳа тузувчилар ўқитувчини фаол куч, ўқувчини фақат қабул қилувчи, истеъмолчи қилиб кўрсатганларки, бунга қўшилиб бўлмайди. Тўғри, ўқувчиларга мустақил ўқиш учун асарлар берилган, қандай ёзма ишлар битишликлари айтилган. Бу белгилар ўқувчи фаоллигини юзага чиқаради. Мен жиддий бир масалани тавсия этмоқчиман. Беш-олти йил давомида бадиий адабиёт билан танишган, гўзаллик билан ошно бўлган ўқувчида бадиий асарни мустақил баҳолаш, талқин қилиш майли пайдо бўлади. 11-синф адабиёт дастурига бадиий асарни баҳолаш назарияси ҳақида тушунча бериш жоиз. Шунингдек, талқин тарихи, назарияси масаласини ҳам 1—2 соат давомида ўқувчиларга ўргатишни мақсад қилиб қўйиш керак. Баҳолаш, талқин назарияси билан танишган ўқувчи истеъмолчидан яратувчига айланиш имкониятини олади. Биз умумтаълим мактаблари ўқувчиларини бу маънавий-руҳий неъматдан маҳрум этишимиз зинҳор мумкин эмас. Ҳис этяпман: айни вақтда ўқувчини пассив кучдан фаол яратувчига айлантириш бугуннинг вазифасидир. Биз мактаб дастурининг қийинлашиб кетишидан зинҳор чўчимаслигимиз жоиз. Биз ўн йиллар давомида ўқувчиларни дангасаликка одатлантириб қўйдик. Ўқувчи қанча қийналса, изланса, фанга нисбатан муҳаббати ошади.

Адабиёт тарихини ўқувчиларнинг севимли фанига айлантиришда куч-қувватимизни аямаслигимиз лозим. Гўзалликни чуқур ҳис эттан киши улкан ишларга чўчимасдан қўл уради, тўлақонли бўлиб шаклланади.

**Абдуғафур РАСУЛОВ,**
**ТошДД доценти.**

*Адабиёт дастури лойиҳаси муҳокамада*

# МУКАММАЛЛИК САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

**УШБУ ДАСТУР ЛОЙИҲАСИ «МАЪРИФАТ»НИНГ 1991 ЙИЛ 12 СЕНТЯБРДАН 12 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН СОНЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН.**

**Х. Муротхонова, Тошкент шаҳридаги 97-мактаб муаллимаси:**

Дастурда берилган ўзбек адабиёти тарихи вакилларининг номи ва асарлари ўқувчиларни ўзбек халқининг ўтмиши, маданияти, адабиёти ва урф-одатлари билан таништиради. 5—8-синфларда халқ оғзаки ижоди намуналари, қардош халқлар адабиёти ҳамда ўзбек совет ёзувчи ва шоирларининг асарларидан берилган парчалар ўринли, бироқ ёзувчи ва шоирларнинг сони ниҳоятда кўпайиб кетган ва айрим жиҳатлар бир неча синфларда такрорланган.

Масалан: 5-синфда Ҳожа, Комил Хоразмий, Рабғузий, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Асқад Мухтор, Садриддин Айний, Фирдавсий, 6-синфда Хўжаназар Ҳувайдо, Мужрим Обид, Огаҳий, Дилшоди Барно, Муҳаммад Солиҳ каби. Фурқатнинг «Сайдинг қўйбер сайёд» шеърини 9-синфга кўчириш керак. 7-синфда Аҳмад Табибий, Пиримқул Қодиров каби, Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясини 6-синфга, К. Яшиннинг «Инқилоб тонги» драмасини 8-синфга кўчириш лозим. 8-синфда Рауф Парфи, Амирий, Сидқий Хондайлиқий, Эркин Аъзамов каби, Бобораҳим Машраб эса фақат 9-синфда берилса. 5-6-7-синфлар учун ажратилган соатлар нотўғри тақсимланган. Масалан, 6-синфда Асқад Мухторга 1 соат, Шукруллога 1 соат, 7-синфда Маҳмурга 1 соат, Ҳамзага 2 соат, Зулфияга 2 соат, 8-синфда Шуҳратга 2 соат, Муҳаммад Солиҳга 1 соат берилган. Буларнинг ҳаммасига 1 соатдан қўшиш керак.

**А. Неъматова, Тошкент шаҳридаги 223-мактаб ўқитувчиси:**

Таассуфлар бўлсинки, адабиёт ўқитиш муаммолари билан шуғулланиб келаётган айрим мутахассислар мазкур лойиҳа хусусида баъзи эътирозлар билдирмоқдалар. Жумладан, «Маърифат»нинг 9 ноябрь сонида Низомий номидаги муаллимлар олий илмгоҳи ўзбек адабиёти ўқитиш методикаси кафедрасининг аъзолари томонидан эълон қилинган мақола бизни ҳайрон қолдирди. Албатта, мазкур дастур лойиҳаси юзасидан ҳар бир шахс ўз фикр-мулоҳазасини билдириши мумкин, бу — уларнинг ҳуқуқи. Бироқ билдириладиган эътирозлар чуқур асосланган, таълим жараёнида синалган, энг муҳими, адабиёт ўқитувчиларини ишонтира оладиган бўлиши лозим.

Шу нуқтаи назардан қаралса, юқорида эслатилган мақола бизни қаноатлантира олмади. Энг аввало шуни айтиш лозимки, юқоридаги ва унга ўхшаш мавзулар, яъни қўшиқнинг оғзаки ижодда «лирик тур» эканлиги, меҳнат қўшиқлари ана шу турга мансуб лирик жанр эканлиги, меҳнат қўшиқларининг эса халқимизнинг кундалик турмуши, меҳнат тарзи билан боғлиқлигини тушунтириш илмий жиҳатдан мураккаблик ҳисобланмайди.

**А. Исломов, Олот ноҳиясидаги 14-мактаб ўқитувчиси:**

5-синфда Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеърини ўқиш ва таҳлил қилишга ажратилган 2 соат кўпайтирилиб, «Шум бола» қиссасидан олинган парчани ўрганишга берилса, болаларнинг ёшига мос тушган бўлур эди.

6-синфда ўрганиш кўзда тутилган Шермуҳаммад Муниснинг «Саводи таълим» (2 соат) рисоласи ҳам болаларнинг ёш хусусиятларига мос келмайди. Шунинг учун уни 9-синфда шоир ҳаёти ва ижоди ўрганилган пайтда, умумий тарзда ўрганиш кифоя қилади.

Шу синфда ўрганиш мўлжалланган Худойберди Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» романи ўртамиёна асар бўлганлиги сабабли, дастурга асос қилиб олинган мезон талабларига жавоб бермайди.

**М. Ҳомидов, Шофиркон ноҳиясидаги 4-мактаб ўқитувчиси:**

«Ушбу дастур бирмунча таҳрирга муҳтож. Менинг фикримча, қуйидагиларга эътибор берилса.

Биринчидан, 9-синф бўлимидаги VIII—XIV асрлар адабиёти обзор мавзуси учун икки соат вақт ажратилган. Хўш, икки соатда олти аср мобайнида рўй берган маданий, ижтимоий-сиёсий ҳаёт тўғрисида ўқувчига маълумот бериш мумкинми? Бу яна юзакичилик, саёзликка берилиш эмасми?

Иккинчидан, 10-синфда Фурқатнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти учун 6 соат вақт берилган. Ҳолбуки, 7 та мавзуни олти соатда ўрганиш ўқитувчига эмас, балки ўқувчига мушкулдир. Бунинг учун шу синфдаги «Сайдинг қўйбер, сайёд» мусаддасини дастурдан олиш керак, чунки бу мавзуни ўрганиш учун 6-синфда икки соат берилган.

Учинчидан, Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» асарини ўрганиш учун 11-синфда 4 соат вақт берилган. Энди бир оз фикр қилайлик. Бу асарни Ойбекнинг «Қутлуғ қон», «Улуғ йўл» романларини ўрганишдан кейин берилиши, менимча, 11-синф ўқувчилари ёшига муносиб эмас. Боиси, ўйлаб, мушоҳада юрита оладиган 11-синф ёшидаги ўқувчига мана шу асардаги айрим эпизодлар, яъни уйдан ёғ ва тухум ўғирлаб чиқиш, эшакни бўғизлаб қўйиш, ғассоллик қилиш, тандир ичида пойлаб ўтириш ва шунга ўхшаш каби ҳолатлар мос келмайди. Бу асар ўрнига халқ озодлиги йўлида курашган 5-синфда берилган «Тўмарис», «Широқ»ни ёки, Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» драмасини киритиш мақсадга мувофиқ.

**М. Абдураҳмонова, Жиззах ноҳиясидаги 30-мактаб ўқитувчиси:**

Лойиҳа матни билан танишиб чиқиб, рости, анча мамнун бўлдим. Бу дастур аввалги лойиҳаларга нисбатан афзалликларга эга бўлибди. Ниҳоят, ўзбек ўқувчисини юксак дидли, пок ахлоқли, кенг дунёқарашли инсон қилиб тарбиялашга катта ҳисса қўшадиган кенг қамровли ўзбек адабиёти яратиладиган бўлибди-да, деган фикрга келдим.

Дастурда ўзбек адабиёти, жаҳон ва қардош халқлар адабиётининг кўзга кўринган намояндаларининг энг баркамол асарлари ўқувчиларнинг ёши, ақлий ривожланиши ва руҳий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўргатиб бориш кўзда тутилган. Мен юқорида номларини санаб ўтган шоир ва ёзувчиларнинг энг сара асарларининг дастурга киритилиши мақсадга мувофиқ бўлибди.

Ҳар бир синфда халқ оғзаки ижоди, ўзбек адабиёти тарихи, XX аср ўзбек адабиёти, қардош халқлар ва жаҳон адабиёти дурдоналарини ўқитиш босқичма-босқич ўргатилиб бориши қувонарли ҳол. Ҳадис илми, асотирлар шу вақтгача мактабларда ўргатилмас эди. Тасаввуф ҳақида ҳам ўқувчилар биронбир маълумот ололмасдилар. Бу дастурда уларни ўргатишга ҳам алоҳида эътибор берилган.

**Т. Рўзимбоев, Тўрткўл ноҳиясидаги «Коминтерн» мактаби ўқитувчиси:**

«Дастурнинг тушунтириш хати ҳам адабиётнинг эстетик моҳиятдан келиб чиқиш кераклигини, уни «сўз санъати ёки санъат» сифатида ўрганиш кераклиги тасдиқланиб турибди. Шу пайтгача ғоялар ва воқеалар, образлар ҳақида айтардик-ку, сўз санъати, нутқ маданияти ҳақида кам гапирилар эди. Агар дастурдан чиқиб кетиб, ижодий иш қилсангиз, балога қолардингиз. Энди ҳаммасига имкон берилди, десак хато бўлмас.

Янги дастурни кўрган баъзи ўқитувчилар ваҳимага тушишлари ҳам ҳеч гап эмас. 5—7-синфларга берилган мавзулар ўқувчиларга оғирлик қилмасмикин, деган ўйга борамиз. Аммо У. Норматовнинг тушунтиришича, бу асарлардан танланган матнлар ўқувчилар ёшига ва руҳиятига мос, қизиқарли, тили енгил қилиб тузилган экан. Агар оғир тилда тузилган бўлса, бу ўқувчини яна адабиётдан бездириши мумкин.

## Хатлардан сатрлар

### ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

**Ўтган йилнинг июль ойида Янгиқўрғон ноҳиясига қарашли 7-махсус механизациялашган бўлинма бунёдкорлари Заркент қишлоғидаги 1050 нафар ўғил-қиз таълим олаётган 30-ўрта мактаб учун қўшимча 360 ўринли йўлдош бино барпо этишга киришган эдилар. Қисқа фурсатда 300 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилиб, монтаж ва пардозлаш юмушлари тугалланди. Айниқса, бунда муҳандис Ш. Раҳматуллаев бошлиқ қурувчилар бригадаси ишга масъулият билан ёндашиб, бинонинг тез ва соз битишига улкан ҳисса қўшдилар. Айни кунда ўқувчилар янги синфга кўчиб ўтишга ҳозирлик кўраётирлар.**

**К. МАҲМУДОВ.**
**Наманган вилояти.**

### УЮШМАЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

**Когон ноҳиясидаги Киров номли 7-ўрта мактабда ўқувчиларнинг ижодий уюшмалари фаолият кўрсатаётганига унча кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, уларнинг дастлабки куртакчалари юзага чиқди. Масалан, яқинда мусиқа муаллимаси Р. Иноятова бошқараётган «Санъаткор» ижодий гуруҳи аъзолари жумҳурият телевидениеси орқали ўз иқтидорларини намойиш этдилар.**

**Ўзбекистон халқ таълими аълочиси А. Кенжаев раҳбарлик қилаётган «Журналист» уюшмаси аъзоларининг ютуқлари ҳам чакки эмас. Иштирокчиларнинг шеър, мақола ва хабарлари ноҳия, вилоят ва жумҳурият рўзномаларида кўзга кўрина бошлади.**

**Д. ТУКОВА.**
**Бухоро вилояти.**

**Шунингдек, таҳририятимизга муаллифлардан Н. Исмоилова, М. Хайлаев, Қ. Назарбеков, Э. Мирзаев, М. Бобожонов, Р. Муҳаммадиева, Э. Алимардонов, Т. Нусурова, Ў. Ҳайитбоев, М. Азизова, Л. Матқосимова, Х. Назаралиев, И. Матёқубов, А. Эралиев, А. Юсупов, Р. Эшонов, К. Солиев, С. Остонов, М. Неъматжонова, Н. Рауфжонов, Р. Исмоилова, Э. Саидов, З. Ботиров ва бошқалар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.**

